



О'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

“ 4 ” апрел 2015 у.

97 -son

Guliston sh.

Сирдарё вилояти ҳокимининг 2014 йил 31 октябрдаги 318-сонли қарорини қонунга мувофиқлаштириш учун бекор қилиш тўғрисида.

Сирдарё тумани ҳокимининг 2015 йил 7 мартдаги “Сирдарё вилояти ҳокимининг 2014 йил 31 октябрдаги “Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой, инфратузилма объектлари, автошоҳбекат, тадбиркорлик объектлари қурилишлари учун Сирдарё тумани Истиқлол СИУга қарашли вақтинчалик туман ҳокимлиги заҳирасидаги экин ердан доимий фойдаланишга ажратиш тўғрисида”ги 318-сонли қарори қабул қилинганлиги, ушбу қарорнинг 5-бандига сугориладиган экин ер эвазига кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш учун инфратузилма объектлари, автошоҳбекат, тадбиркорлик объектлари эгаларидан белгиланган тартибда ундириш тўғрисида ўзгартириш киритилишида амалий ёрдам берилишини сўраб”, вилоят ҳокимиغا ёзган 1/01-323-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Сирдарё тумани ҳокимининг 2015 йил 7 мартдаги 1/01-323-сонли хати инобатга олинсин.

2. Намунавий лойиҳалар асосида 2014 йилда қурилган, 2015 ва 2016 йилларда қуриладиган уй-жойлар, инфратузилма объектлари, автошоҳбекат, тадбиркорлик объектларига ажратилаётган ер майдонларига аниқлик киритиш, ҳамда инфратузилма объектлари, автошоҳбекат, тадбиркорлик объектларига ажратилаётган сугориладиган экин ер майдонлари эвазига, кишлок хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликларини ўрнини қоплаш суммаларини қонунга мувофиқлаштириш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокимининг 2014 йил 31 октябрдаги 318-сонли қарори бекор қилинсин.

3. Намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар, инфратузилма объектлари, автошоҳбекат, тадбиркорлик объектларига Ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли ва 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли қарорлари талаблари асосида бажариш ва якуний маълумотларни тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси Сирдарё тумани ҳокимлиги (К.Саматов) ва вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ш.Наманов)лар зиммаларига юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Т.Фозилов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Сулеймановлар зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

О.Ашурматов